



Ислом Нури

«...» :...
 ...
 ... «...» :...
 ...)

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам асҳобларига айтдилар: «Сизлардан бирингиз бир кечада Қуръоннинг учдан бирини ўқишга ожизлик қиладими?» Бу уларни қийин аҳволга солиб қўйди ва: «Қайси биримизнинг бунга кучи етади ё Расулуллоҳ?», дейишди. Шунда у зот: «Қул ҳуваллоху аҳад» Қуръоннинг учдан биридир», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

...» :...
 ... «...» :...
 ... {...» :...
 ...)

Убай ибн Каъб розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Эй Абу Мунзир, ўзингизда бўлган Аллоҳнинг Китобидаги қайси оят энг улуғ оят эканини биласизми?», дедилар. Мен: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», деб жавоб бердим. У зот яна: «Эй Абу Мунзир, ўзингизда бўлган Аллоҳнинг Китобидаги қайси оят энг улуғ оят эканини биласизми?», дедилар. Мен: «...» (яъни, оятул-курсий),



Ислом Нури

дедим. Шунда у зот менинг кўксимга уриб: «Аллоҳга қасамки, илмингиз фойдали бўлсин, эй Абу Мунзир», дедилар (Имом Муслим ривояти).

«...» : «...»
«...»
«...»

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким ҳар фарз намозидан кейин оятул-курсийни ўқиса, уни жаннатга киришдан фақат ўлимгина тўсиб туради» (Имом Насоий ривояти).

Шарҳ:

Ихлос сураси ва оятул-курсий Қуръони Каримдаги энг улуғ оятлардан саналади, улар Аллоҳнинг тавҳидини, гўзал исмлари ва олий сифатларини, У зот субҳанаҳу ва таолони улуғлаш ва Унга ҳамду-санолар айтишни ўз ичига олган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Ихлос сурасининг фазли, унинг Қуръоннинг учдан бирига тенг экани;
2. Оятул-курсийнинг фазли, унинг Қуръондаги энг улуғ оят экани;
3. Ҳар намоздан кейин оятул-курсийни ўқишнинг фазли, бундай қилиш жаннатга киришга сабаб бўлиши.